2014 йил 12 сентябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 183 (12.744)

Баҳоси эркин нархда

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ШҲТ САММИТИ ДОИРАСИДА УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗДИ

*ДУШАНБЕ, 11 сентябрь.*
*ЎзА махсус мухбири Баҳодир ЭРГАШЕВ хабар қилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 сентябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Тожикистон пойтахтига келди.

ШҲТ олий органининг бу йилги мажлиси Тожикистоннинг ушбу ташкилотга раислиги доирасида ўтказилмоқда.

Ислом Каримов саммитга ШҲТда кузатувчи мақомидаги мамлакат раҳбари сифатида ташриф буюрган Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Руҳоний билан учрашди. Томонлар турли соҳалардаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини муҳокама қилди, бу алоқаларни, хусусан, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашдилар.

Транспорт-коммуникация соҳаси ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишидир. 2011 йилда Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Ўмон темир йўл коридорини ишга тушириш бўйича битим имзолангани бунга мисол бўла олади. Таъкидлаш жоизки, трансминтақавий транспорт коридорини очишга қаратилган (иштирокчи мамлакатлар томонидан ўз вақтида илгари сурилган лойиҳа деб баҳоланган) бу ташаббус Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган. Ушбу лойиҳа Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Экспертларнинг фикрича, мазкур лойиҳа иқтисодий жиҳатдан катта салоҳиятга эга. Янги бозорларга чиқишнинг бундай қулай йўли бошқа мамлакатлар, хусусан, Хитой ва Россия учун ҳам манфаатли бўлиши мумкин.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон билан учрашди. Икки давлат раҳбарлари ўзаро ва минтақавий масалалар юзасидан, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида фикр алмашдилар.

Тожикистон Президенти ғоят мазмунли суҳбат учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Имомали Раҳмон Ўзбекистоннинг ШҲТ фаолияти самарадорлиги ва халқаро нуфузини оширишга қаратилган амалий ташаббуслари ўз вақтида илгари сурилгани ва улар ҳар томонлама асосли эканини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан ҳам музокара ўтказди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик хусусиятига эга. Савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда. 2013 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 7,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани бунинг тасдиғидир. Икки юздан ортиқ давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро битим ва шартномалар ҳамкорликнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ислом Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқотларнинг мунтазамлиги муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Душанбе шаҳрига ташрифи давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари 12 сентябрь куни ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг 14-мажлисида иштирок этади.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

***«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида 9-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси «Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – CAITME» ҳамда «Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan» 11-халқаро кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.***




Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Осиё рамзи» Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмагида ITE Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси ва унинг ҳамкорлари томонидан ташкил этилди.

Енгил саноат – мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, бугунги кунда унинг аҳамияти тобора ортиб бораётир. Соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2,7 фоизни, саноат маҳсулотлари ҳажмида 26,2 фоизни, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда эса 44 фоиздан ортиқроқни ташкил этади.

Кейинги йилларда енгил саноат корхоналарини ривожлантириш борасида кўплаб самарали лойиҳалар ва кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 1,8 миллиард долларлик инвестициялар жалб этилиб, 150 дан ортиқ йирик инвестицион лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинди. Сўнгги икки йил мобайнида қиймати 330,4 миллион долларга тенг, 11 мингдан ортиқ иш ўрнига эга бўлган 35 та саноат корхонаси ишга туширилди.

Тармоққа замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг жалб этилиши экспорт кўламининг кескин ўсишига олиб келди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида атиги 7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йил якунига қадар бу кўрсаткичнинг бир миллиард долларга етиши кўзда тутилмоқда.

9-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси «Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари – CAITME» ҳамда «Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan» 11-халқаро кўргазмалари енгил саноатни ривожлантириш, экспорт кўламининг ошиши ва янги-янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида ташкил этилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини оширишга бағишланган ўқув курси бошланди. Машғулотлар олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими, тегишли вазирлик ва жамоат ташкилотлари мутахассислари томонидан ўтилмоқда.**
- **Навоий вилоятида ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрнига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**
- **Қашқадарёда тиббий фаолиятга оид лицензия беришнинг янги талаб ва шартлари тўғрисида семинар ўтказилди. Унда соҳага тегишли корхона ва ташкилотлар, хусусий тиббиёт муассасалари вакиллари иштирок этди.**
- **Жиззах вилоятида бешта корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида тўққизта янги лойиҳа амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу корхоналарда 25 миллиард 350,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.**
- **Нукусда «Ўзбекистон – муқаддас Ватан!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг фарзандларига совғалар топширилди. Ёшларга оид давлат сиёсатига бағишланган видеофильм намойиш этилди.**

### ЖАҲОНДА

- **Конго Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Киншасадаги Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари жорий йилнинг август ойидан бошлаб ушбу давлатда ҳаётдан кўз юмган Эбола безгаги қурбонлари сони ўттиз бир кишига етганлигини эътироф этишди. БССТ маълумотларига кўра, ҳозирги кунда ушбу жуда хавфли вирус билан касалланган кишилар сони жаҳон бўйича уч ярим мингдан ортган.**
- **Сингапур полицияси мотоциклида яширин тарзда икки килограмм миқдордаги героин гиёҳвандлик моддасини олиб кетаётган кишини ҳибсга олди. Қўлга олинган шахс мамлакатнинг Наркотиклар бўйича марказий бюросига топширилди ва жиноятчини тергов қилиш ишлари бошланди. Агарда ушбу кимса айбдор деб топиладиган бўлса, унга ўлим жазоси тайинланади.**
- **АҚШнинг Миннесота штатида истиқомат қилувчи фермер Дэн Маккой Ер юзидаги энг катта помидорни етиштиришга муваффақ бўлди. Ушбу помидорнинг оғирлиги 3,8 килограммдан иборат бўлиб, фермер Гиннеснинг Рекордлар китоби вакиллари унинг натижасини тез орада қайд этишларига умид қилмоқда. Бундан олдинги рекорд оклахомалик Гордон Грэмга тегишли эди. У 1988 йилда етиштирган помидорнинг вазни 3,5 килограммни ташкил этган.**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

***2014 йил 11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Марказий сайлов комиссияси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси шу йил 15 сентябрдан бошланишини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисми ва «Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов 2014 йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси – 21 декабрда ўтказилади.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланиши эълон қилиниши муносабати билан мамлакатимиз ва хорижий журналистлар учун брифинг ўтказилди.

Брифингда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-улуғбек Абдусаломов "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида" қабул қилинган қарор ҳақида маълумот берди ва ушбу қарорда кўзда тутилган асосий тадбирлар хусусида батафсил сўз юритди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ҳам эълон қилинди.

Брифингда сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси ва сайлов комиссиялари томонидан сайлов қонунчилигининг асосий принцип ҳамда талаблари, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш дастурига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилиши алоҳида таъкидланди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ўтказишнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланади. Бирон-бир ташкилотнинг, авваламбор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашишига, шунингдек, сайлов кампанияси иштирокчиларининг ҳеч қайсисига имтиёз ва преференциялар берилишига йўл қўйилмаслиги қайд этилди. Сайлов қонунчилигининг норма ва талаблари барча учун мажбурий ва бир хилдир. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов кампанияси жараёнига аралашиш ёки қонунчилик талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида қилинган ҳар қандай уринишнинг олди олинади ва қонунчиликка мувофиқ чора кўрилади.

Брифинг иштирокчилари сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги янгиликлар билан таништирилди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида 2011, 2012 ва 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ва сайлов ҳақидаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов жараёнини янада демократлаштириш, сайлов кампаниясини умумэътироф этилган демократик принциплар ва қонунчилик талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказиш бўйича ҳуқуқий кафолатларни кучайтиришда муҳим омил бўлганлиги таъкидланди.

Чунончи, сайлов қонунчилигига сайловолди ташвиқотининг шакл ва усулларини аниқ белгилаш, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларни тенг шароитлар билан таъминлаш механизмлари самарадорлигини оширишга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов давомида ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Фаолиятининг асосий принципларини мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик ташкил қиладиган Марказий сайлов комиссияси мақомининг конституциявий мустаҳкамланганлиги сайловларнинг демократиклиги, очиқ ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатига айланди.

Тадбир қатнашчилари бўлажак сайловларни ўтказиш бўйича тайёргарлик даврида амалга оширилаётган ишлар билан ҳам таништирилди. Журналистларга сайловчиларга сайлов қонунчилигининг асосий қоидаларини тушунтириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Шу мақсадда оммавий ахборот воситаларида олимлар, экспертлар ва мутахассисларнинг чиқишлари ташкил этилди, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ва илмий-амалий семинарлар ўтказилди.

Жорий йилнинг май-сентябрь ойларида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Марказий сайлов комиссияси томонидан демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари, миллий сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари, сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунийлик тамойилига амал қилган ҳолда сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга бағишланган халқаро тадбирлар ўтказилгани ҳақида ҳам маълумот берилди. Уларда Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Миллий демократия институти (АҚШ) экспертлари, АҚШ, Франция, Испания, Италия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа давлатлардан олимлар ва мутахассислар иштирок этди. Хорижлик иштирокчилар Ўзбекистон сайлов қонунчилиги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ва демократик стандартларга тўла мос келишини таъкидлади.

Брифингда бугунги кунда Ўзбекистонда эркин, адолатли ва демократик сайловларни очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик руҳида ўтказиш учун барча зарур ҳуқуқий асослар мавжудлиги қайд этилди.

**(ЎзА)**

Тошкент
gazeta-vto@umail.uz
№ 183 (12.09.14)



# ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАҲСУЛОТЛАР НАМОЙИШИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мазкур кўргазмаларнинг уюштирилиши енгил саноатнинг барча жабҳаларига мансуб истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар ва савдо компаниялари учрашувини ташкил қилиш имконини беряпти.

CAITME ва Textile Expo Uzbekistan кўргазмаларнинг бирлашган экспозициясида Ўзбекистон, Буюк Британия АҚШ, Германия, Италия, Хитой, Ҳиндистон каби дунёнинг 22 мамлакатидан 250 га яқин компаниялар ўзларининг тўқимачилик ва енгил саноат учун ускуналар, технологиялар, трикотаж мато, тайёр тикувчилик-трикотаж маҳсулотларини намойиш қилмоқдалар.

Юртимиз компаниялари мазкур тадбирда фаол иштирок этишаётир. Бу эса хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг мамлакатимизга қизиқиши ортиб бораётгани ҳамда бозордаги етакчи ишлаб чиқарувчилар орасида соғлом рақобат мавжудлигидан далолат беради.

– Корхонамизда болаларга кийим-кечаклар ва бир неча турдаги матолар ишлаб чиқарилади, – дейди «Alkim Textile» масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Гулшан Ҳакимова. –Ушбу кўргазмада ҳар йили иштирок этиб келамиз. Бу тадбирнинг ўтган йилгисидаги иштирокимиз бизга жуда қўл келган. Кўплаб келишув ва битимлар тузишга эришганмиз. Textile Expo Uzbekistan кўргазмасининг бу йилгисидан ҳам умидларимиз катта.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар орасидан ИП Alkim Textile, BF Tekstil Produktion, Eko-Plastex, Movaraunnahr Teks каби бир қатор корхоналар ўзларининг экспортга мўлжалланган йигирилган ип, трикотаж газлама, тайёр маҳсулотлар, болалар ва катталар кийимлари сингари юқори сифатли маҳсулотларини намойиш этишмоқда.

– Бугунги кўргазмада беш турдаги тикув машиналаримиз билан иштирок этмоқдамиз, – дейди «Qo'qon Lider Textile» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шерзод Отахўжаев. – Фаолиятимиз тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда зарур бўладиган барча турдаги техника-технологияларни келтиришга мўлжалланган. Бугунги кунда Хитой давлатидан харидорлар талабига қараб ҳар хил турдаги тикув машиналарини олиб келмоқдамиз. Мазкур кўргазмада биринчи бор иштирок этишимиз. Маҳсулотларимизга қизиқувчилар кўп. Ўйлайманки, бу тадбир орқали кўплаб янги ҳамкор ва харидорларимизга эга бўламиз.

Ўн биринчи бор ўтказилаётган «Тўқимачилик саноати – Textile Expo Uzbekistan» кўргазмаси соҳа мутахассислари ўртасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Унда мамлакатимизнинг Ars Triomax, СП Mighty Tiger, Textile Technologies Group, Kortexsocks каби бир қатор ишлаб чиқарувчилари биринчи бор иштирок этишмоқда.

Иштирокчиларнинг фикрича, мазкур халқаро форум Ўзбекистон енгил саноатини янада ривожлантириш ва соҳа мутахассислари учун музокаралар майдонига айланади.

**Абдуалим САЛИМОВ**
**И. Исмоилов олган суратлар**

# НУФУЗЛИ КЎРИККА ТАЙЁРЛАНИШМОҚДА

***Ўзбекистон ошпазлар уюшмасининг ташкил этилганига кўп вақт ўтмаган бўлсада бу уюшма халқаро ошпазлар ҳамжамияти билан мустаҳкам алоқа ўрнатган.***

Ўзбек миллий таомларини, қандолатчилик маҳсулотларини халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси ташаббуси билан ёш ошпазлар малакасини оширишга, официантлар хизматининг бекаму-кўст бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Дарвоқе, ўзбекистонлик энг маҳоратли ошпазлар халқаро танлов ва кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб, миллий пазандачилигимиз санъатини бутун дунёга кўз-кўз қилишмоқда.

Ўзбекистон ошпазлар уюшмасидан олинган хабарларга кўра келгуси йили Испанияда халқаро миқёсда ошпазлар кўргазмаси уюштирилади. Ҳозирги кунда бир нечта маҳоратли ошпазларимиз ушбу нуфузли кўрикка тайёргарлик кўришмоқда.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

«Ватанпарвар»

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги Тошкент бирлашган техника мактабида Қуролли Кучларга мутахассислар тайёрлаш бўйича янги ўқув босқичининг очилиш маросими бўлиб ўтди.***

Унда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Марказий Кенгашидан, Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасидан вакиллар, ташкилотнинг Тошкент шаҳар Кенгаши раҳбарияти ва бошқалар иштирок этишди.

Бугун мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ профессионал миллий армиямиз шаклланди. Унда ҳар томонлама етук кадрларнинг хизмат қилаётгани сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминламоқда. Миллий армиямиз сафларига ана шундай кадрларни тайёрлашда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўрни беқиёсдир. Бугунги курсантларнинг профессионал армиямизга муносиб бўлиши кераклиги, малакали мутахассислар томонидан ўргатиладиган амалий ва назарий билимларни пухта эгаллаб, юртимиз мудофаасини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиши лозимлиги тадбирда сўзга чиққанлар томонидан таъкидлаб ўтилди.

Айтиш жоизки, ташкилот тизимидаги ўқув муассасаларида жумладан, Тошкент бирлашган техника мактабида ҳар йили Ўзбекистон Қуролли Кучларига етук мутахассислар тайёрлаб берилмоқда.

– Ҳозирда мазкур мактабда турли ҳарбий техник мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланади, – дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Саидакром Ғаниев. – Бу ерда малакали ўқитувчилар ва амалий машқ бошқарув усталари ҳайдовчилик сирларини ўргатишади. Мактабда барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, синфлар, амалий машғулот хоналари замонавий кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Мактаб ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашни комплекс тарзда (тарғибот, спорт, ҳуқуқий, тарбиявий ишлар, мутахассислик бўйича тайёргарлик) амалга оширилишини ташкил этади ва назорат қилади.

Чақирилувчиларга мактаб дастурига мувофиқ ҳайдовчилик сирларидан ташқари бошланғич ҳарбий таълим, маънавият соатлари ва жисмоний тарбия машғулотлари ҳам ўтилмоқда. Шунингдек, мактабда спортнинг техник ва амалий турларидан бўлмиш картинг, ўқ отиш, автомобилда фигурали ҳайдаш, моделчилик секциялари мавжуд ва ушбу спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этиб борилади.

**Абдували СОДИҚОВ**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамкорлигида "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.***

Қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Б.Иминов, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари А.Ҳимматов, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази директори Б.Отахонов ва бошқалар янги қонун лойиҳаси аҳолининг бўш турган пул маблағларини мобилизация қилиш ва уни иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиялаштиришга йўналтириш орқали мамлакатимизда жамоавий инвестициялаш тизимини яратишни рағбатлантиришда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш жараёни «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 июндаги «Инвестиция фондлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1998 йил 25 сентябрдаги «Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонуни лойиҳасида инвестиция ва пай фондларини ташкил этишнинг асосий принциплари, улар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фондлар фаолиятини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи, шунингдек, иштирокчилар сони ва фаолият муддати бўйича пай фондлари фаолиятидаги чекловлар, фонд томонидан жалб қилинадиган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва пай фондларини ташкил этиш мақсадининг асослилиги устидан назорат механизмлари белгиланган.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасидан мақсад инвестиция муносабатларини тартибга солишдан иборат бўлиб, у иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

# БАРЧА ЮТУҚ ВА МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ ОМИЛИ

***Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида «Миллий тикланиш – миллий ўзликни англаш демакдир» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзининг мазмун-моҳиятини жойларда тарғиб қилиш борасидаги вазифалар муҳокама этилган тадбирда депутатлар, партиянинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти кенгашлари фаоллари, олимлар, ижодкорлар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши раиси С.Отамуродов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Муҳаммадиев, қуйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Маматов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш, барча соҳаларни изчил тараққий эттириш орқали халқимизнинг ҳаёт сифатини янада оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Мустақиллик инъом этган имкониятлар туфайли халқимиз фидокорона меҳнати билан ўзининг буюк келажагини барпо этмоқда. Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Айниқса, миллий ўзликни англашда тарихий хотира ва маънавиятнинг беқиёс ўрнига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни кунларда партия фаоллари маънавий-маърифий соҳадаги улкан ўзгаришлар ҳамда Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрамидаги табрик сўзи мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш юзасидан жойларда давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар ўтказмоқда. Жумладан, «Миллий тикланиш – миллий ўзликни англаш демакдир», «Юксак маънавиятли халқни енгиб бўлмайди», «Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва бағрикенглик ўзбек халқининг ўлмас қадриятлари», «Барқарорлик, осойишталик ва ҳамкорлик мамлакатимиз тараққиёти кафолатидир», «Ўзбекистонга тинчлик ва омонлик керак» каби мавзуларда ўтказилаётган мулоқотларда мустақилликнинг тарихий аҳамияти, буюк аждодларимиздан мерос боқий қадриятларимиз, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ўсиш ва ривожланиш суръатлари ҳақида сўз юритилмоқда.

Давра суҳбатида юртга муҳаббат, тарихий ўтмишни унутмаслик, буюк аждодлар меросидан фахрланиш, мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги ҳақида қайғуриш, авлодлар учун обод ва фаровон Ватан қолдириш каби қадриятлар партиянинг дастурий ғояларини ташкил этиши алоҳида қайд этилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

Касаба уюшмалари фаолиятидан

# ТОЗАЛИК, ОЗОДАЛИК — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

***Болалар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлигини муҳофазалаш, баркамол авлод тарбияси масалалари давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган. Ушбу йўналиш доирасида амалга ошириб келинаётган тизимли ишлар бугун ўз самарасини бермоқда.***



Жумладан, шу кунларда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда илк бор мактаб остонасига қадам қўйган ўн бир мингдан ортиқ болажонларга «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирлари уюштирилди. Тадбир доирасида болалар онгига кичик ёшидан соғлом турмуш тарзини сингдириш мақсадида юз-қўллари, кийим-кечаклари ва ўқув анжомларини озода тутиш, саранжом-саришталикка риоя этиш тўғрисида тушунтиришлар берилди. Шунингдек, озодаликка чорлаш мақсадида кундалик ҳаётда риоя этишлари лозим бўлган санитария-гигиена қоидалари жамланган эслатма-тўплам тақдим этилди.

Шаҳримиздаги 327, 313-мактабларда ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан уюштирилган тадбир ўқувчиларга манзур бўлди. Айниқса, биринчи синф ўқувчиларининг шодликлари ва ҳайратларидан кўнгиллар нурафшон бўлди. Бундай тадбирлар ёш авлодни нафақат озодаликка чорлайди, балки улар онгида саранжом-саришталик, она табиатни ардоқлаш каби туйғулар ҳам мужассамланиб боради.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўтказилаётган ушбу тадбирларда ўйин-мулоқот усулларидан фойдаланган ҳолда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга ундовчи экологик суҳбатлар, болалар учун мўлжалланган маданий-маърифий учрашувлар ҳам ташкил этилди.

Тадбирларда таниқли санъаткорлар, хонандалар қатнашиб, улар томонидан тозалик ва озодаликнинг ҳаётда нақадар муҳим омиллиги, озода қўллар саломатлик гарови эканлиги саҳналаштирилган кўринишлар орқали намойиш этилди.

Айни кунларда жойларда «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси давом этмоқда.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: 313-мактабда «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси ана шундай кўтаринки руҳда ўтди**

